

9-10-2020

ACTIVATING THE HUMAN FACTOR - THE STRATEGIC TASK OF DEVELOPING ENTREPRENEURIAL CULTURE

АкшаШан Sayitkhanov

Fergana state University free researcher

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Sayitkhanov, АкшаШан (2020) "ACTIVATING THE HUMAN FACTOR - THE STRATEGIC TASK OF DEVELOPING ENTREPRENEURIAL CULTURE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ACTIVATING THE HUMAN FACTOR - THE STRATEGIC TASK OF DEVELOPING ENTREPRENEURIAL CULTURE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

5. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1980 й. 95-бет.

ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАСИ

Сайитхонов Акмалхон Ахатжонович

Фарғона давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада инсон омилини фаоллаштириш жамиятимизда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш омили эканлиги, мазкур жараёнда тафаккур ва ҳаракатнинг ўзаро уйғунлиги, табиий ва ижтимоий жиҳатларнинг яхлитлиги, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги тадбиркорлар фаоллигини оширишнинг назарий ва амалий аҳамияти тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: инсон омили, фуқаролик жамияти, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик маданияти, бозор иқтисодиёти, инсон тафаккури, тадбиркор шахс, иқтисодий маданият.

АКТИВИЗАЦИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ФАКТОРА-СТРАТЕГИЧЕСКАЯ ЗАДАЧА РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Сайитханов Акмалхан Ахатжанович

Ферганский государственный университет свободный исследователь

Аннотация: В статье исследовано, что активизация человеческого фактора является фактором формирования и развития нового экономического мышления в обществе, гармония мышления и движения, целостность природных и социальных аспектов, теоретическое и практическое значение повышения активности предпринимателей в социально-экономическом развитии.

Ключевые слова: человеческий фактор, гражданское общество, предпринимательская деятельность, предпринимательская культура, рыночная экономика, человеческое мышление, предпринимательская личность, экономическая культура.

ACTIVATING THE HUMAN FACTOR – THE STRATEGIC TASK OF DEVELOPING ENTREPRENEURIAL CULTURE

Sayitkhanov Akmalhan

Fergana state University free researcher

Annotation; The article examines the fact that human factor activation is a factor of formation and development of new economic thinking in our society, the theoretical and practical importance of increasing the activity of entrepreneurs in this process of thinking and action, integrity of natural and social aspects, socio-economic development.

Keywords: human factor, civil society, entrepreneurial activity, entrepreneurial culture, market economy, human thinking, entrepreneurial personality, economic culture.

Омил тушунаси бирор жараён ёки ҳодисани юзага келтирувчи, ҳаракатлантирувчи ва унинг йўналиши ёки айрим хусусиятларини белгиловчи куч, сабабни билдиради. Шу нуқтаи назардан жамиятнинг иқтисодий маданиятини ривожлантиришда инсоннинг омилкорлик фаолияти муҳим ўрин тутади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати мамлакатимизда қурилаётган фуқаролик жамиятининг объектив қонуниятларидан келиб чиқади. Гап шундаки, фуқаролик жамияти, авваламбор маърифатли кишилар жамияти ҳисобланади. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш ижтимоий ҳаётда инсон омилини кучайтириш, фаоллаштиришни тақозо этади. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир иш, жумладан, инсон тарбияси ҳам аввало тафаккурда, назарияда лойиҳаланади, моделлаштирилади, кейин унга яқинлашишнинг чора-тадбирлари изланади [1.256.]

Шундай экан, инсон-фуқарони тарбиялашда, хусусан унинг иқтисодий дунёқараши ва қобилиятларини шакллантиришда маънавий тарбиядан оқилона фойдаланишгина эмас, балки, унинг таркибини ташкил этган иқтисодий билим ва кўникмаларга асосланиб яшашга ўргатиш энг муҳим омил ҳисобланади. Бизнинг стратегик мақсадимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш экан, табиийки, бу демократик кадриятлар соҳиби бўлган инсонни шакллантириш билан бевосита боғлангандир, бинобарин, бу нарса янги шахсни тарбиялаш, унда демократик кўникма ва малакаларни қарор топтиришни назарда тутади [2.3.] Бу жараёнда шахсий манфаатдорлик билан ижтимоий манфаатдорликка, шахсий кадриятлар билан жамият кадриятларига нисбатан маърифий ва инновацион муносабатни шакллантириш муҳим роль ўйнайди.

Инсон омилига бевосита суюнадиган фуқаролик жамиятида шахсий ва ижтимоий манфаатдорликнинг ўзаро уйғунлашуви ўзликнинг фуқаролик билан узвий алоқадорлиги негизда юз беради “Очиқ айтиш керак: агар биз юртимизда барқарор иқтисодиёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамоқчи бўлсак, чала-чулпа, юзаки эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз керак”. [3.71.] Агар шундай бўлса, маданият нафақат кадриятларнинг йиғиндиси, балки уларни яратиш, ўзлаштириш, ўзаро тақсимлаш, айирбошлаш, авлоддан авлодга етказиш, ҳимоялаш жараёнларининг барчасини яхлит ҳолда ўзида гавдалантиради, унга ривожланиш ва барқарорлик бахш этадиган омил эса инсон фаолиятидир. Бу хусусият тадбиркорлик маданиятга ҳам тўла тааллуқдир.

Тадбиркорлик маданияти ва инсон омилини фаоллаштириш бири-бирини тақозо қилувчи, бири-бирини ривожлантирувчи ижтимоий ҳодисадир. Бу

масаланинг моҳияти инсон, унинг фаолияти, жамиятда тутадиган ўрни билан боғлиқдир.

Инсон кўп қиррали, мураккаб тушунча, унинг ташқи ва ички олами, улар ўртасидаги зиддиятлар, инсон билан табиат, жамият билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижтимоий-фалсафий фикрнинг диққат-эътиборини ҳамма вақт жалб этиб келганлиги бежиз эмас. Хусусан, қадимги Хитой фалсафаси инсонни табиатдан ажратмаган, у «микрокосмос» сифатида кўзга кўринмас ришталар орқали Коинот билан минглаб боғланганки, улар мунтазам равишда бир-бирига тўсир этиб туради. [4.21.] Қадимги юнон маданиятида эса инсон жисмоний-маънавий моҳият негизини ташкил этади. Алишер Навоий «инсонни борлиқнинг, умуммавжудотнинг энг бебаҳо дурдонаси, коинот тожи, деб атайди». [5.153.]

Биз ижтимоий-фалсафий фикрлар уммони тарихидан инсон ҳақидаги баъзи бир фикрларнигина келтирдик, холос. Ушбу тасаввурлар шундан далолат берадики, ҳамма замонларда борлиқ, инсоннинг моҳияти, эҳтиёжлари, манфаатлари нуқтаи назаридан идрок этиб келинган.

Инсоннинг ички ва ташқи оламини мувозанатга солиб турадиган, унинг ривожланишини таъминлайдиган асосий икки томон – тана ва жон, моддийлик ва руҳийликнинг ягона бирлиги ҳақидаги ғоялар Шарқ мутафаккирлари фаолиятида кенг тарғиб қилинган. М.М.Хайруллаевнинг ёзишича, ўрта асрнинг буюк донишманди Форобий талқинида инсон ва унинг ақли дунё ривожланишининг энг олий маҳсули, деб эътироф этилади. Форобий ўзининг бир қатор асарларида мураккаб субстанциянинг ривожланиш жараёнида аввал ўсимликлар, сўнг ҳайвонот ва охирида инсоннинг келиб чиққанлигини таъкидлаб ўтади. [6.66.] Форобий айтадики, борлиқда, инсонда «ақл ва нафс» ўзининг чексиз камолоти билан гавдаланади. Форобий инсон руҳий қувватлари, яъни сезиш хиллари, хотира, тасаввур ва тафаккурнинг ажралмас бирлиги тўғрисида мулоҳазалар билдиради. [7.9.]

Инсоннинг моҳияти масаласи Ибн Синонинг илмий-фалсафий меросида ҳам катта ўрин эгаллайди. У инсоннинг икки хил, яъни маълум даражадаги органик ҳаёт билан руҳий ҳаёт (ирода, хоҳиш, билиш салоҳияти)ни фарқлайди. Унингча, руҳ уч хил бўлади: ҳаётгий руҳ, яъни тананинг органик ҳаёти; алоҳида воқеа ва нарсаларни билдирувчи руҳ салоҳияти; инсоннинг ақлий фаолиятини бошқарувчи руҳ. Инсон фаолиятига буларнинг барчаси органик бирликда йўналиш беради, унинг яшовчанлигини таъминлайди. [8.55-56.]

Дарҳақиқат, инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи энг муҳим фазилат бу унинг тафаккур салоҳиятидир. Инсон тафаккур кучи ила ўз моҳиятини ҳам, табиат, жамият қонуниятларини ҳам, ривожланишнинг энг муҳим тамойилларини ҳам билади, барча қийинчиликлар, тўсиқларни бартараф этади. Инсон омилини фаоллаштириш - бу бир томонлама тор тушунча эмас. Бунда объектив ва субъектив томонлар ўзига хос ўрин тутаяди.

- Объектив омиллар - ташқи муҳит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жамиятдаги етакчи иқтисодий ва маънавий тамойиллар ҳамда унинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир этувчи бошқа барча воқеалар мажмуи; субъектив омиллар-инсоннинг

ички,ботиний имкониятлари, ақл-идроки, қобилияти, иродаси, туйғуларидан иборатдир.

- Субъектив омиллар тафаккур измига бўйсуниб, ривожланиш, муваффақият, самара каби тушунчаларда ифодаланган қадриятларни вужудга келтиради.

Объектив ва субъектив омиллар ижобий қимматга эга бўла боргани сайин инсон омили жамият тараққиётида ҳал қилувчи кучга айлана боради.

Буни тўғри тушунмаслик, унинг мазмун-моҳиятига ва аҳамиятига эътибор бермаслик, бу омилини фаоллаштириш учун барча шароитни яратмаслик натижасида жамиятда маънавий ва иқтисодий таназзул бошланиши мумкин. Яқин ўтмишдаги воқеалар бунинг ёрқин гувоҳидир. Марказлашган режали иқтисодиётда тадбиркор (ишчи) ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотининг охириги натижаларидан етарли даражада манфаатдор эмасди. Ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам, моддий неъматлар ишлаб чиқаришда ҳам, маҳсулотларни танлашда, тақсимлашда ҳам инсон ўзини эркин ҳис қилмас, эркин фикрлай олмас, мустақил ҳаракат қила олмас ҳамда фаолияти борасида қарорлар қабул қила олмас эди.

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, инсон омилини фаоллаштириш жараёнида инсон моҳиятига хос энг муҳим хусусиятлар, чунончи, ундаги жисмоний ва руҳий томонларнинг бирлиги, тафаккур ва ҳаракат ўртасида бевосита алоқадорлик, табиий ва ижтимоий жиҳатларнинг яхлитлиги, инсон эҳтиёжларининг чексизлиги ва уларни қондиришнинг чекланганлиги ва бошқа жиҳатлар юзага чиқади. Айни вақтда инсон омилини фаоллаштириш тадбиркорлик маданиятни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Демак, тадбиркорлик маданиятни ривожлантириш инсон омилини, ёки аксинча, инсон омилини фаоллаштириш тадбиркорлик маданиятни ривожлантиришга катта туртки беради.

Юқорида билдирилган фикрни аниқроқ тасаввур қилиш учун инсон фаолиятининг уч соҳаси - ишлаб чиқаришни бошқариш, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил этишга киришишдан бу соҳаларда олдин инсон омилини фаоллаштириш тушунчасининг мазмунини аниқлаб олиш зарур. Маълумки, хом ашё, техника, технология ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган воситаларни излаб топиш, уларни ишга солиш, шунингдек, истеъмолчиларнинг маҳсулотларни истеъмол қилишдан қониқиши ёки қониқмаслик жараёни ўта мураккабдир. Инсон омилини фаоллаштиришнинг асл моҳияти ва мазмунини одамларнинг ўзаро алоқалари, аниқроғи, уларнинг меҳнатга (ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ) муносабатлари, ишни тўғри ташкил этишлари, маҳсулотлар сифатини онгли баҳолаб ўзлаштиришдаги ташаббус, фидойилик кўрсаткичлари ташкил этади. Кўриниб турибдики, тадбиркорлик маданиятни ривожлантириш учун кураш бири-бири билан узвий боғланган мураккаб жараёнларнинг яхлит бирлигини тақозо этади.

Бошқариш жараёнида эса инсон омилини фаоллаштириш ташкилотчилик, уддабуронлик усулларины такомиллаштириш, билим-савияни ошириш, қобилиятни ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратиш билан узвий боғлангандир.

Ҳозирги даврда тадбиркорлик маданиятга эга, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур эгаллаган кадрлар жамиятнинг иқтисодий тараққиётининг муҳим субъектив омилидир.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда инсонларнинг иқтисодий ҳаёти тегишли қонунлар таъсирида бошқарилади ва ривожлантирилади. Бу объектив қонунларнинг моҳият-мазмунини чуқур тасаввур қилиш, фаҳмлаш, энг муҳими, мантиқан ўзлаштириш асосида фаолият кўрсатиш тадбиркорлик маданиятни ривожлантиришга хизмат қилади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, хусусан, ҳар бир инсон томонидан иқтисодий ҳаёт ва унинг ривожланишига бевосита алоқадор қонуниятлар тўғрисида билимга эга бўлиш уларни самарали фаолият кўрсатишга даъват этади.

Аксинча, жамият иқтисодий ҳаёти тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, шароит тақозоси билан юзага келган муаммоларга субъектив баҳо бериш, айниқса, субъектив қарашлар устиворлигига ўрин бериш иқтисодий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий меъёрлари ва мезонларига путур етказди. Бунинг натижасида иқтисодий хавфсизлик ҳолатларининг юзага келиши учун замин яратилади, оқибатда пайдо бўлган иқтисодий беқарорлик жамият ва шахс ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Инсон омилининг субъектив жиҳатларига ортиқча баҳо бериш, иқтисодий жараёнларнинг қонуниятли, объектив кечишини эътиборга олмаслик нафақат шахс, балки жамият иқтисодий, умуман маънавий, сиёсий маданияти соҳасида мураккабликларни келтириб чиқаради.

Жамиятда бундай салбий жараёнларни бартараф этиш учун оилада ва барча таълим муассасаларида фуқароларни диалектик фикрлашга, фуқаролик жамияти заминида содир бўлаётган демократик мазмундаги ўзгаришларни юксак ахлоқийлик ва профессионал билимдонлик, тадбиркорлик руҳида тарбиялашга эътиборни янада кучайтириш лозим. Бу жараённи мунтазам таҳлил қилиш ва чуқур тушуниш ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни самарали амалга ошириш, ёшларда янгича фикрлашни шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тадбиркорлик маданиятини юксалтириш мақсадида оммавий ахборот воситаларидаги айнан тадбиркорлик маданиятига оид материаллар ҳамда маълумотлар мазмунини ва савиясини ошириш лозим. Бунинг учун тадбиркорликнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатларини яхши тушунадиган журналистларни танлаб ишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига доир материаллар тайёрлаш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида мужассам этган, фойдаланишга қулай бўлган электрон ресурслар, порталлар, мобил дастурлар ҳамда электрон ҳуқуқий маслаҳатхоналар фаолиятини такомиллаштириш зарур.

Тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш ва ушбу фаолиятга фуқароларни кенг жалб қилиш мақсадида, жойларда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлари вакиллари, адвокатлар билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари иштирокида мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиб туриш, тадбиркорларга янги қабул қилинган қонунлар, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан муттасил тушунтиришлар бериб боришни тизимли ташкил этиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримова В., Қуронов М. Маънавият, маърифат ва ижтимоий гуманитар фанларнинг фуқаролик жамияти асосларини барпо қилишдаги ўрни. // Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. -Т.: Шарқ, 2003
2. Жалолов А. Инсоний жамият: фалсафий-ҳуқуқий қирралар. // Мустаҳил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. -Т.: 1996.
3. Ш.М. Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-т. -Ўзбекистон, 2019.
4. Лисевич И.С. Древнекитайская философия. // Человек. -М.: Политиздат, 1991.
5. Зоҳидов В. Шоир ижодининг қалби. -Т.: Ўзбекистон, 1970.
6. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. -Т.: Фан, 1963.
7. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси, 1993.
8. Болтаев М.Н. Абу Али Ибн Сина-великий мыслитель, ученый-энциклопедист Средневекового Востока. -Т.: Фан, 1980.

ПОСТМОДЕРН ДУНЁДА ИЛМИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМДА УНИНГ ДИАЛЕКТИК АСОСЛАРИ

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович

Фарғона давлат унiversитети

Фалсафа кафедраси доценти,

фалсафа фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада замонавий жамиятларда дин ва илм-фаннинг бир-бири билан муносабатида содир бўлган ўзгаришларнинг генезиси, эволюцияси ва тараққиётининг гармоник ва диалектик хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада постмодерн жамиятнинг маънавий асосларида диний ва илмий қадриятларга муносабатнинг аксиологик ва нигилистик манбалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: модерн жамият, постмодерн жамият, дин, фан, қадрият, диний қадрият, илмий қадрият, қадриятларнинг қадрсизланиши.

ОТНОШЕНИЕ К НАУЧНЫМ И РЕЛИГИОЗНЫМ ЦЕННОСТЯМ В ПОСТМОДЕРНИСТСКОМ МИРЕ И ЕГО ДИАЛЕКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович

Ферганский государственный университет

доцент кафедры философии,

кандидат философских наук

Аннотация: В статье анализируются гармонические и диалектические особенности генеза, эволюции и развития изменений, происходящих в взаимоотношениях религии и науки в современных обществах. Также в статье исследуются аксиологические и нигилистические источники отношения к религиозным и научным ценностям на моральных основах постмодернистского общества.

Ключевые слова: современное общество, постмодернистское общество, религия, наука, ценности, религиозные ценности, научные ценности, обесценивание ценностей.

13	Шўрланишли шароитда порлоқ – 4 ғўза навига микро-1 ва ризоком препаратларининг таъсирини ўрганиш Маматкулова Г. Ф, Камбурова В.С, Маматкулова Ш Х, Дарманов М. М	82
14	Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш мониторинги Тўрабоев А,Н, Қирйигитов Х. Б	88
15	Айдар-арнасой кўллар тизими тузкон кўлида орол чавоқбалиғининг (<i>rutilus rutilus aralensis</i>) морфоэкологик хусусиятлари Намозов С.М	92
16	Роль водорослей в очистке вод Муминова Р.Н, Махкамов Г.М, Рузиматов Р.Е.....	97
17	Jizzax shahrida manzarali butalarning tur xilma-xilligi va etishtirish istiqbollari Ishanqulova D.U, Haydarov X.Q	101
18	Биоэкологические особенности и практическое значение видов эфедры в Узбекистане Муминов Д. Я, Хайдаров Х К, Мукимов Т.Х, Норкулов М. М, Джумаева З.У.....	104
19	Зирабулоқ тоғлари карабидофаунаси (coleoptera: carabidae) нинг эколого-фаунистик таҳлили Халимов Ф.З, Сайфиддинов Х.З, Маманов С.С.....	111
20	Fuzarium <i>oxysporum</i> va fuzarium <i>roae</i> таъсирида бугдойнинг биологик белгилари ўртасида коррелятив боғланишлар ва детерминация Шапулатов Ў. М, Кулиев Т. Х, Қўшиев Х,Х, Шапулатов У.М.....	117
21	Такрорий экилган қанд лавлагини ривожланишига азотли ўғитлар шакл ва меёрлари таъсири Сулаймонов И.Ж., Эргашев Д.Т.....	123
22	Жанубий-ғарбий қизилқум ўсимликларини ўрганилиши хусусида Эсанов Х.Қ	127

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

09.00.00

ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ

PHILOSOPHICAL SCIENCES

23	Scientific results obtained on the topic “modernization and integration of national culture in the context of globalization” Farxodjonova N.F	138
24	Эстетический идеал – идея созидания Халилов Р.Р	144
25	Sharq mutafakkiri Abu Nasr Forobiyning komil inson haqidagi qarashlari va uning inson ma’naviyati yuksalishidagi ahamiyati Xudayarov I.I	147
26	Инсон омилини фаоллаштириш – тадбиркорлик маданиятни ривожлантиришнинг стратегик вазифаси Сайитхонов А.А	153
27	Постмодерн дунёда илмий ва диний қадриятларга муносабат ҳамда унинг диалектик асослари Қамбаров А А	158